



Ким бир манзилга тушгандан кейин «Аллоҳнинг тугал калималари ила У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳини сўрайман» деса, унга ўша манзилдан жўнаб кетгунича бирор нарса зарар қилмайди», деганларини эшитдим

Ховла бинти Ҳакийм Суламийя айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни: «Ким бир манзилга тушгандан кейин «Аллоҳнинг тугал калималари ила У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳини сўрайман» деса, унга ўша манзилдан жўнаб кетгунича бирор нарса зарар қилмайди», деганларини эшитдим».

[Тўғри матн] [Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда умматларини бирор манзилга жойлашганда инсон қўрқадиган барча нарсаларни даф қиласиган манфаатли дуога йўлламоқдалар. Сафарда ёки сайдарда бўлишидан қатъий назар, Аллоҳнинг комил, фазилатли ва ҳар қандай айбу нуқсондан пок калималари ила ёмонлиги бўлган барча маҳлуқдан паноҳ сўраб У Зотга илтижо қилишга йўллаб қўймоқдалар. Агар шундай қилса, унга ўша манзилдан кетгунича бирор нарса зарар қилмайди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5932>